



Пахтачилик ривожлантирилиб, ўлканинг хомашё манбаи ва тайёр махсулотлар бозорига айлантирилишининг салбий оқибатлари шаҳарлар аҳолисига ҳам таъсир этмасдан қолмасди, албатта. Мантиқан пахтачиликнинг ўсиши хунармандчилик, тўқимачиликнинг янада кенг қулоқ ёйишини ва газламаларнинг кўплаб ташки бозорга олиб чиқилишини такозо қиларди. Ёки бўлмаса, ўлкада тўқимачилик саноати ривожлантирилиши лозим эди. Бирок пахтанинг деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилиши ва у ердан газламаларнинг тобора кўп миқдорда келтирилиши хунармандчиликка катта зарба берди. Чунки маҳаллий газлама корхоналарининг махсулоти фабрика газламалари билан рақобатга бардош бера олмади. Кўпсонли тўқувчилар ва бунга боғлиқ бўлган хилма-хил хунармандлар хонавайронликка учради. Шу тарзда шаҳар аҳолисининг талай қисми оғир аҳволга тушиб қолди. Бундан ташқари, қишлоқларда бир парча ерларидан ҳам маҳрум этилган дехқонлар шаҳарларда тирикчилик дардида изгариб юрардилар. Бу ерда мардикорлар ва бошқа турли ишлар билан шугулланадиган қишлоқликлар оз эмасди.

XIX асрнинг 80—90-йилларида оғир вазият генерал-губернаторликнинг пойтахти — Тошкентда ҳам юзага келди. Бу вақтда шаҳарнинг эски қисмида 100 минг киши яшамокда эди. Мустамлакачилик сиёсати бу шаҳардан бутун ўлка бўйлаб тарқалгани учун айнан шу шаҳар мустамлакачиликнинг азоб-уқубатларини ҳам биринчи навбатда тортарди. Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Гродековнинг тан олишича, 1887 йилдан бошлаб шаҳар халқидан олинган солиқнинг миқдори қўпайган. Шунингдек, ҳукумат томонидан вақф ерларининг қисқартирилиши норозилик уйғотган.

1891 йили Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятининг аҳолиси маъмурият вакилларининг ер масаласида юритаётган нотўғри сиёсати ҳақида императорга шикоят хатини юбордилар: «Ер ўлчовчилар ва уезд бошлиқлари томонидан ҳар бир ер эгаси, агар сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, у вақтда жамоа аҳли билан бирга солиқ тўланиши ҳақида кўрсатма олинди. Бундай ерлар жамият ерларига айлантирилиб, солиқни яқка ҳолда тўлаш таққиланар эмиш. Яйловлар ва пичанзорлар орасидаги қаровсиз етган ерлар ҳамда тўқайзорлар давлатники бўлиши керак эмиш. Яна, тоғ бағридаги лалмикор ерлар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилар эмиш. Ваҳоланки, улар қадимдан қишлоқларники эди. Бизнинг бошлиқларимиз масалани шундай ҳал қилади: бир киши бир десагина ерга эга бўлиб, экин етиштиради, агар шу ернинг ўртасида мабодо 100 кв. саж. қақалақзор майдон бўлса, уни девор билан ўрашга ва давлатта ўтказишга мажбур қилади. Булардан ташқари, қамишзорларни ҳам давлатники деб ҳисоблайдилар.

Вахоланки, бу ердага камишлардан кўп одамлар фойдаланиб, бўйра ва бошка нарсалар тўкиб, муайян даражада даромад оладилар». Шу равишда тошкентликлар ўз хатида хукуматнинг ер хусусидаги сиёсатига қарши норозилик билдирганлар. Аммо халқнинг бундай даъвоси маъмуриятни газаблантириб, хукуматга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланди. «Шунинг учун ҳам, — дейилади ўша хатда, — биз рус адвокатини тайинлаб, дардимизни баён этмокчи бўлганимизда, бошликлар волост оксоколларини ишдан олдилар, бизга ишончли вакил танлаш ва шикоят қилишни тақиблаб, Сибирга сургун этиш билан кўрқитдилар». Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллий аҳолининг манфаатлари рус адвокати Никитин томонидан ҳимоя қилинган. Афтидан, хатни Никитин езган, шу боис у ўлкадан хайдаб чиқарилган. Аммо унинг фаолияти ва императорга ёзган хати фақат Тошкент вилоятидагана эмас, балки бутун ўлкада катта таассурот қолдирди. Бундан тинчсизланган генерал-губернатор Вревский ҳарбий вазирга ёзган хатида адвокат Никитиннинг фаолияти халқнинг кўзғалиши учун сабабчи бўлиши мумкинлиги ҳамда Никитинга берилган ишонч қогози амалда рус маъмуриятининг ҳаракатларига қарши қаратилган варақа эканлиги баён этилган. Ҳақиқатан ҳам, адвокат Никитиннинг бевосита ёрдамида тузилган хукуматнинг ер сиёсатини қораловчи хат жамоани кўзгатиб юборди. Кўп утмай Тошкентнинг 12 минг кишилик аҳолиси томонидан ҳукм сураётган тартибларни қораловчи хат генерал-губернаторга топширилди. Бу хатни тузишда қатнашган Мухаммадхўжа Аҳмаджонов деган киши Оренбургга сургун қилинди. Чор ҳукумати халқнинг қаттиқ норозилигига қарамай, давлат ерини қенгайтиришга қаратилган сиёсатини юргизаверди. Бу ерларнинг муайян қисми Россиядан қелган кишиларга берилди. Вревский юқорида тилга олинган хатида шундай деб ёзган: «Маҳаллий аҳолига тегишли ерлар русларни ўрнаштириш учун берилганлиги норозилиқни қузғатаётганлиги кўзга ташланмоқда. Россиядан кишиларнинг қелиши давом этаверса, қелажакда ҳам норозилик бўлишига шубҳа йўқ». Вревский янги солиқларнинг жорий этилиши оқасида солиқлар миқдори олдингига нисбатан 100 фоизга ошиб, халқ газабини қузғатганлигини ҳам уқтириб ўтган. Оқибатда Тошкентда оғир шароит юзага қелиб, халқнинг қидашга бошка тоқати қолмади. Шундай мушкул вазиятда шаҳарда вабо қасали тарқалганлиги маълум бўлди. Айрим маълумотларга қўра, 1892 йил 1 июнда Жиззах уездида вабо қасали пайдо бўлгани қайд этилган. Шу муносабат билан вилоят ҳарбий губернаторининг фармонида биноан Сирдарёнинг чап қирғоқидаги Чинозда, Тошкентдан 65-70 км. узоқликдаги жойда медицина пункти очилди. Бу ерга вабо қасалига қалинган бир неча киши ётқизилди. Уша йилнинг 7 июнида эса Тошкент шаҳрида вабо қасали борлиги маълум бўлди. Рус маъмурияти вабога қарши қоралар ишлаб қикиб, ҳаётга тақибқ этиб борди. Унга қўра, вабодан ўлган кишиларнинг мурдаларини врачнинг руҳсатисиз дафн қилмаслик лозим эди. Мурдаларни шаҳар ичидаги эски мазорларга қўймасдан, қечқарок жойда очилган янги қабристонларга қўмиш тақсия этилди. Аммо врачлар ва ҳамширалар этишмаслиги оқасида мурдалар 3-4 кун мобайнида ҳавонинг иссиқлиги туфайли қасий бошлади. Аёлларнинг мурдаларини ҳам рус эрқак врачлар қўздан қечирганлар, албатта. «Туб аҳолининг сўзларига қараганда, — деб ёзади муаллифлардан бири, — санитарлар орасида турли қасбдаги офицерлар қийимини қийган ёшлар полициячилар билан биргалиқда «пўшт-пўшт» дейишиб, маҳаллий аҳолининг уйларидаги аёллар яшайдиган қоналарга қиришган. Улар тоқалиқни назорат этиш бақонасида ота-оналарининг ҳузурида аёллар ва қизларга турли ўринсиз қилиқлар қилишган». Мурдаларни ювиш ва қўпчилиқ бўлиб қабристонга олиб бориш тақибқланади. Қарқанд

кўрилган маъмурий чоралар имкони борича вабони даф этишга каратилган бўлса-да, лекин уларни амалга оширишда кўпгина кўполликлар ва зўравонликларга йўл кўйилди. Хаётда дин ҳукм суриб турган бир пайтда мурдаларни ювмаслик ва бир неча кун саклаш ҳамда ота-боболар мазорини беркитиш ўша пайтда давр шароитига жуда зид ва гуноҳдай бўлиб кўринарди.

Хукуматнинг вабога қарши кўрган чоралари зулм ва адолатсизликдан сабр қосаси тўлиб-тошган шаҳарликларнинг бош кўтаришига туртки бўлди. Айтим бир пайтда гўё врачлар сувга оқ қуқун ташлаб захарлаганлари, шу сувни касалларга ҳам бериб, уларни ўлдираётганлари ҳақидаги миш-мишлар аҳволни янада кескинлаштирди. Бу хусусда манбада шундай дейилади: «Доктор Чинозда касалини суриштирмай беморларга дори бермоқда ва бу уларни дарҳол ўлдирмоқда, деган сўзлар Тошкентда юрибди. Шаҳар мишраби савдогарларга мурдаларни қафанга ўрамаслик ва ҳеч қандай диний расм-русумларсиз кўмиш ҳақида кўрсатма берган».

Умуман айтганда, вабо касалининг ваҳимаси, турли миш-мишлар шаҳар ва атроф жойларни қуршаб олиб, кишилар газабини кўзгатди. Чунончи, 20 июнда шаҳарнинг Себзор даҳасидаги Хонақоҳ масжидида ҳалойик тўпланиб, ораларидан 3 вакил сайлаб, норозиликларини шаҳар бошлиғига маълум қилишни буюрди. 22 июнда шаҳар оксоқоли Мухаммад Ёқуб ўша вакилларни чақириб, уларни миш-мишларга ишонмасликка ундади. Ўша куни Шайхонтахур даҳасидаги Таллак масжидида кишилар йигилишиб, шаҳар бошлиғи номига хат ёздилар: «Биз мурдаларни янги мазорларга дафн этишга қарши эканлигимизни ва эски мазорлардан фойдаланишни давом эттиришимизни шаҳар бошлиғига маълум қилишликни мингбошидан ва қатта оксоқолдан сўраган эдик. Чунки мурдани янги қабристонларга олиб бориш қийинчиликлар тугдиради. Аммо шу пайтгача бунга жавоб берилмади».

Шаҳар ахллари ҳам Туркистон генерал-губернаторига хат езишиб, ўз норозиликларини изҳор этган эдилар. Бутун воқеанинг жонли гувоҳи шаҳар бошлиғи С.В. Путинцевнинг тергов вақтида берган кўрсатмаси масалани янада ойдинлаштиради: «Июн ойининг бошларида, — деган у, — вабо касалининг тарқалишига қарши қаратилган чоралар турли мулоҳазаларни юзага келтириб, халқда уларга нисбатан ишонч қолмади. Хатто врачлар вабо касалига йўлиққанларни азоб-уқубатлардан тезроқ холи қилиш мақсадида махсус қуқун бериб ўлдирмоқдалар, деган овозалар тарқалди. Шунингдек, руслар Анхор аригидаги сувни захарлаб, туб аҳолини қирмоқчи, деган сўзлар эшитилиб турди. Бундан ташқари, маҳаллий халқ вабо касали билан ўлганларни шаҳар ичидаги мазорларга кўмиш тақиб қилишга қарши бўлдилар. Шаҳар чеккаларида очилган мазорларда мурдаларнинг махсус белгиланган киши томонидан ювилиши, жаноза ўқилиши ва дарҳол дафн этилиши кўрсатилган эди. Аммо мурдани кўпчилик билан мазорга олиб боришга руҳсат берилмади».

Чор маъмуриятининг вабога қарши чоралари диний ақидалар ва умуман, маҳаллий шароитни ҳисобга олмай амалга оширилишининг фойдасидан кўра зиёни кўпроқ бўлди. Айрим маълумотларга кўра, ҳар куни вабодан 100 атрофида одам ўлган. Расмий маълумотда эса, 7-24 июн давомида 64 киши вабога қалиниб, 43 таси ўлгани қайд этилган. Афтидан, маъмурият вакиллари ўзларини масъулият ва жавобгарликдан холи этиш ниятида шундай маълумот берган. Вабо касалига қарши қаратилган чоралар халқнинг оғир сиёсий, иқтисодий шароитини янада кескинлаштириб, бамисоли «оловга

керосин» куйгандай бўлди. Аммо ўлкадаги рус маъмурияти вакиллари диккатни кўзголоннинг асосий сабабларидан чалгитиш учун уни махаллий юкори табака вакиллари мансаб учун олиб борган курашларнинг махсули сифатида тушунтиришга ҳаракат килдилар. Шу муносабат билан бу масалага тўхташ айни муддаодир.

Бу даврда Тошкент шаҳри Себзор, Шайхонтахур, Бешогоч ва Кўкча каби тўрт даҳадан иборат бўлган. Хар бир даҳада биттадан оксокол, кози, мингбоши, юзбоши ва миршаблар хизмат килган. Улар халк томонидан «сайланган». Вилоят харбий губернатори катта оксоколни тайинлаган ва унга барча даҳаларнинг оксоколлари буйсундирилган. Ўз навбатида, катта оксокол шаҳар бошлиги бўлмиш Путинцевга бўйсунган. Куп йиллар мобайнида Эски шаҳарда катта оксоколлик лавозимини Иногомхўжа Умархожиев эгаллаган. «Бу киши аввал Шайхонтахур даҳасида оксокол, сўнгра 20 йил мобайнида шаҳар бошлигининг ўринбосари, яъни катта оксокол сифатида хизмат килган. Иногомхўжа Путинцевнинг ишончини козониб, бир неча маротаба ўлка раҳбариятининг мукофотларига сазовор бўлган. Шубҳасиз, у туб аҳоли орасида катта обрў ва нуфузга эга бўлган кишидир. Бунинг исботи учун шуни далил тарзида келтириб ўтиш лозимки, одатда бошликлари устидан шикоят килишга мойил халқдан унга карши икки маротабагина ариза тушган, холос. Улардан бири Иногомхўжанинг ўзи очган ва сургун килинган жиноятчидан, иккинчиси эса, Чимкент уездидаги козокдан эди. Бу козокнинг ёзишича, 1891 йили Иногомхўжа писта кўмири билан савдо килувчилардан пора олган экан. Вилоят харбий губернатори Гродеков бу шикоятни аникламай, 1892 йил 21 майда Иногомхўжани мансабдан четлатиб, ўрнига Шайхонтахур оксоколи Мухаммад Ёкубни тайинлаган».

Натижада Иногомхўжа ва унинг тарафдорлари ўзларининг мавкеини йўқотганликлари учун халқни Мухаммад Ёкубга карши кўзголон кўтаришга даъват этган эмиш. Шу равишда кўзголон сабаблари икки гуруҳнинг мансаб учун курашига йўйиб юборилди. Бу ҳақда сўз яна кейинги саҳифаларда ўз ўрнида бўлишини таъкидлаб, айтиб ўтиш лозимки, кўзголон юкорида кайд этилганидек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий асосларга эга эди. Аммо бундан катъи назар, махаллий юкори табака вакиллари орасида ўз Ватанининг мустикаллиги ва озодлигининг тарафдорлари йўқ эмас эди. Улар кўзголонда фаол катнашган бўлмасалар-да, лекин унга хайрихоҳлик билан караганлари бор эди. Шаҳар катга оксоколи Мухаммад Ёкуб вабога карши каратилган чораларни амалга ошириш ишига бошчилик килиб, халқнинг газабига учраган. Чунки у каттиккўллик билан иш юритган. Унинг сўзига караганда, 23 июнда, хайитнинг биринчи кунда шаҳарнинг Жомеъ масжидида эрта билан соат 5 да хайит намози ўқилганидан кейин Путинцев келиб, халқка мурожаат килган: «Халқнинг орасида, — деган у, — вабога карши кўрилаётган чоралар хусусида нотугри фикрлар юрибди. Хозирда бунга шаҳар катта маблаг сарфламокда. Айтилган чоралар вабонинг таркалиб кетмаслиги ва халқнинг фойдаси учун килинаётир».

Бу сўзлар тобора кескинлашиб бораётган вазиятни юмшатиш мақсадида айтилган, албатта. Путинцевнинг ўзи Жомеъ масжидидаги учрашувни шундай тасвирлайди: «23 июнда эрталаб соат 5 да Жомеъ масжидига келдим. Бу ерда мен тупланган ниҳоятда куп одамларни кўрдим. Масжидда ва атрофдаги кўчаларда 10 минг киши тўпланган эди. Менинг хузуримда хайит намози ўқилди. Шундан кейин мен халқка карата рус тилида сўзладим. Менинг гапларимни рус тилини яхши биладиган Кукча даҳасининг оксоколи Иброхимбек таржима килиб турди. Бу киши илгари менинг таржимоним эди. Менинг ўзим

Ўзбекчани билганлигим учун таржима аниқ қилинаётганлигини сезиб турдим. Аҳолини байрам билан табриклаб, турли миш-мишларнинг асоссизлигини ва барча ишлар халқнинг фойдаси учун қилинаётганлигини таъкидладим. Қўрилаган чоралар туфайли касаллар камаяётганлиги, агар рус ҳукумати ёмон ниятда бўлса, 27 йил илгари ўлкани босиб олаётганда барча ерли халқни кириб ташлаши мумкинлигини айтдим».

Йигинда Шайхонтахур қозиси Шарифхўжа халққа энди «қўриб турибсизларки, вабога қарши қандай чоралар қўрилмоқда, шунинг учун барча миш-мишлар нотўғридир» деган. Кейин Шарифхўжа Жомеъ масжидида Путинцев, Мухаммад Ёқуб ва тўрт даҳанинг оксоқолларини меҳмон қилади. Бу ерда Мухаммад Ёқуб чакимчилик қилиб, маҳаллаларда, хусусан, Себзор даҳасида норозиликлар бўлаётганлигини Путинцевга билдиради. Шаҳар бошлиғи кетгач, Себзор даҳасининг ок-соқоли Қомилбек бошлиқ олдида айтган сўзлари учун ноқулай аҳволда қолганлигини хафа бўлиб Мухаммад Ёқубга билдирган. Бунга жавобан Мухаммад Ёқуб маҳаллаларда мурдалар текширилмасдан ва беркитилган ҳолда шаҳар ичидаги мазорларда қўмилаётганлигини билдириб, хужжатлар тузган ва бошлиқларга маълумот бериб турган. Унинг бу хатти-харакатлари халқнинг нафрати ва қазабини кўзгатиб, унинг обрўсини тўккан. Бундан ташқари, Мухаммад Ёқуб шаҳар атрофидан, яъни қишлоқлардан қелган мардикорлар ва «қора ишлар» билан шугулланувчи қишлоқларни суриштириб ўтирмай қасалхонага ётқизаверганидан ёки ушлаб тургани сабабли улар шаҳардан қетаверган. Бу ҳол ҳам мардикорларнинг Мухаммад Ёқубга нисбатан нафратини уйғотган. Шу орада Иноғомхўжанинг ишдан олинишидан норози бўлган қишлоқлар Мухаммад Ёқубни қоралашга ўтганлар. Умуман айтганда, эзилган ва таланган халқ биринчи навбатда Мухаммад Ёқубдан ўч олишга аҳд қилади ва бош қўтаради. Кўзголов Себзор даҳасида бошланади. Мухаммад Ёқубнинг сўзига қараганда, аввало 2000 қишлоқ оломон унинг уйига борган.

Оломон олдида Эшон Азизлар (Зайниддинхон), Одил Қосимхўжа ва бозор оксоқоли Зиямухаммад Исамухамедов борганлар.

Кўзголовчилар Мухаммад Ёқубни уйдан топа олмагач, Янги шаҳарга — маҳкама томонга йўл олганлар. Бу ерда Мухаммад Ёқуб ва Путинцев қалтақландилар. Катта оломон бақир-чақир билан шаҳарнинг ана шу икки амалдорига ўз норозилиқларини изҳор этиб, маҳкамани тошбўрон қилдилар. Мухаммад Ёқубнинг таърифлашича, маҳкамага яқин қўчада оломон унга тош отганидан кейин боши, елкаси ва бели жароҳатланган ҳолда маҳкама ичига қочиб қиришга муваффақ бўлган. Оломон маҳкама қовлисига бостириб қира бошлаганда Мухаммад Ёқуб шу ердаги маҳкама қотибининг уйига кириб яширинади. Ташқаридан «Оксоқолни бер! Уни ўлдирамиз!» — деган сўзлар тинмай эшитилиб турган. Қотибнинг хотини Мухаммад Ёқубни шкаф ичига, унинг соққиси Сайфуллани эса стол тагига яширган. Шу вақтда қўзголовчилардан бир гуруҳ қишлоқ қотибнинг уйига кириб, оксоқолни ўлдиришларини айтганлар. Аммо улар оксоқолни топа олмаганлар.

Маҳкамада қўзголовчилар Путинцевга ҳам хужум қилганлар. Узининг қўрсатишича, воқеа шундай содир бўлган: «Соқор қўчасида менга Мухаммад Ёқуб ва соқчилар қушилишди. Шунда қишлоқчилар оломоннинг рус (янги) шаҳарига қелаётганлиги хақида хабарни қелтирдилар. Иқон қўчаси бўйлаб Воронцов қўчасига қикқанимда оломоннинг Самарқанд қўчасига қелаётганини қўрдим. Мен оломонга яқинлашдим, лекин улар Воронцов ва Самарқанд қўчалари қесишадиган жойда мени қўршаб, Мухаммад Ёқуб

устидан шикоят килмокчилигини гапирдилар. Мухаммад Ёкуб оломонни тўхтатишга кўп ҳаракат килди. Шунда унга оломон томонидан тошлар отилди ва у отга миниб кочди. Оркасидан бир гуруҳ кўзголончилар кувиб кетдилар. Мени кўршаб олган бир гуруҳ кузголончилар билан Ёрда бозори томонга юрдим, лекин оломоннинг шаҳар маҳкамаси ховлисига бостириб кирганлигини эшитиб, оркага кайтдим. Бу ерда Мухаммад Ёкубнинг борлигини англаб оломонни тўсиш мақсадида дарвоза олдида туриб олдим. Сўнгра мен оломондан Мухаммад Ёкубнинг айби нимада, деб сўрадим. Улар кичкирган холда оксокол мурдаларни дафн этишга рухсат бермаётир ва ариқлардаги сувларни захарлашда врачларга кўмаклашмок-да, деб жавоб бердилар. Айни бир пайтда «Бизга оксоколни беринг, уни урамиз!» — деб бакирдилар. Мен оломонни тинчлантиришга ҳаракат килдим, лекин шовкин-сурон туфайли сўзларимни эшитишнинг иложи бўлмади. Шу орада маҳкама ховлисининг бошка тарафидан одамлар киришиб оркамдан тортди, олди тарафдан оломон сиқиб келаверди. Шу равишда мени оркага, ховли томонга итариб киришди. Мен маҳкама хонасининг эшиги олдидаги майдонга чикдим. Бу ердан оломонни тинчитишга уриндим, лекин «Оксоколни беринг, ўлдираамиз!» — деб бакиришди. Бу талабга «Оксоколни бера олмайман, чунки у ҳукумат фармонини ижро этган», деб жавоб бердим. Шунда оломон тарафидан «Агар у оксоколни бермаса, у вақтда унинг ўзини ўлдираамиз», деган овозлар эшитилиб турди. Шу пайтда оломон мени ховлининг ўртасига итариб борди ва дўппослади, сўнгра тошбўрон килишди. Мен йиқилганимда кўзголончилардан тўрт киши устимга ётишиб химоя килишди. Аммо танимнинг беркитилмаган жойларидан уравердилар. Натижада бошим, ўнг кўлим ва ковурагаларим жароҳатланди».

Шундан кейин бир муддат ҳушидан кетган Путинцев ўзига келганида тепасида оломон турарди. Улар ундан дархол врачларнинг шаҳардан олиб кетилиши ва сувларни захарламаслик ҳамда мурдаларни кўмишга рухсат этиш ҳақида тилхат беришини катъий талаб килдилар.

Путинцев бунга рад жавобини бергач, оломон уни исканжага олди. «Айникса менга, — дейди Путинцев, — каттик тикилинч килиб урмокчи бўлган уч киши бўлди. Уларнинг бири лабида тиртиги бор 20 ешли йигит эди, иккинчиси ўша ёшдаги ва энди соқоли ўсиб чикаетган котма ўспирин, учинчиси эса, кизгиш рангли кўйлақдаги бакуват одам эди. Бу ўспирин менга: «Агар бизнинг талабларимизни қабул килмасанг, сени ўлдираамиз», — деб муштумини кўтарди. Бошка бир новча одам «Ўртага чик, халк талабларига розилигингни айт», — деб бакирди. Шундан кейин оломон яна шовкин-сурон кўтариб, Путинцевга ёпишади. Лекин уни кўзголончилардан тўрт киши химоя килиб, маҳкамадаги хонасига киритиб кўйишади. Бу хонага ташқаридан тошлар отилди ва уларнинг бири Путинцевнинг бикинига теғди. У хонадан айвончага чиқиб, оломонни тинчитишга уриниб кўрди. Кўп ўтмай солдатлар ва маҳкама атрофида истикомат килувчи руслар сўйил ва бошка нарсалар билан келишиб кўзголончиларни калтакладилар. Уларнинг хужумига бар-дош бера олмаган кўзголончилар турли тарафга кочди-лар. Оломон Урдадаги бозорчага етганида ҳарбий губернатор солдатлар билан етиб келди. Губернатор «воқеани назорат килишни ўз зиммасига олганлиги ва Эски шаҳарга боражагини билдирди».

Бир гуруҳ кўзголончилар Мухаммад Ёкубнинг уйига боришиб, мол-мулкни таладилар. Улар унинг уйини ёндириш учун ҳаракат килсалар-да, улгуролмадилар. Аммо унинг Корасув ариги ёнидаги богини ёндириб ташладилар.

Шаҳар маҳкамасидаги оломоннинг хатти-ҳаракати хусусида унтер-офицер П.Е. Алексеевнинг маълумоти масалани янада ойдинлаштиради: «Мен Воронцов кўчасида

шахар бошлиги Путинцевнинг оркасидан Романов кўчасидан чиқаётган оломоннинг кузатиб кетаётганини кўрдим. Оломон оркасидан махкамага келганимизда Путинцев ва махкама аъзоси Новгородскийни оломон ўраб олганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар оломон билан ўзбек тилида муомала қилмоқда эдилар. Оломоннинг олдинги сафида ок соқолли ва салласиз бир кекса одам кўпроқ гапирмоқда эди. Бу кекса киши Путинцевнинг кўкрагидан итариб, махкама ховлисига киритишга ҳаракат қилмоқда эди. Оломоннинг бошқа катнашчилари ҳам Путинцев ва Новгородскийни ховлига итардилар. Мен оломонга яқинлашаётганимда бир ўзбек таёк билан оёғимга уриб ерга йикитди ва ўзи кўздан гойиб бўлди. Оломон Путинцевни ховли ичига киритган вақтда мен бошқа томондан у ерга кирганимда ўзбекларнинг махкама идорасига тош отиб, синдираётганликларини кўрдим. Менинг кўз ўнгимда улар Путинцевни урдилар ва ерга йикитдилар. Аммо у махкама хонасига қочиб киришга муваффақ бўлди. Унинг боши қонга беланган бўлиб, шапкаси йўқ эди. Ўзбеклар очик ойнадан Путинцевга тош отардилар. Мен очик ойнадан Путинцевнинг қилич ялангочлаб, оркасидан кирган ўзбекларни кўрқитаётганлигини кўрдим».

Кўришиб турибдики, кўзголончилар ниҳоятда газабланган ҳолда шахар бошлиқлари ва бинони тошбўрон қилганлар. Агар кўзголончиларнинг орасидаги айрим кишилар ўртага тушиб Путинцевни химоя қилганида унинг ўлдирилиши турган гап эди. Бу кишилар унинг қатл этилишининг фожеали оқибатларини уйлаб шундай қилганлар. Хақиқатан ҳам, борди-ю, руслардан бирор киши ҳалокатга учраганда борми, у вақтда бунинг бахонасида кўзголончилардан юзлаб кишилар солдатлар томонидан кириб ташланиши турган гап эди. Путинцевни химоя этганлардан бири янги шахар маҳалласида яшовчи, мардикорлик билан шугулланувчи Исамухаммад Рустамбоев деган киши бўлган. У махкамадаги воқеани шундай таърифлайди: «Мен қелган пайтда оломон Путинцевни шахар маҳкамасининг олдида тошбўрон қилмоқда эди. У ерга йикилганида мен уни гавдам билан тўсиб: «Мусулмонлар, нима қилаяпсизлар, эҳтиёт бўлинглар, сизларни деб бутун Тошкент ҳалок бўлади», — деб бақирдим. Путинцев ўрнидан туриб, махкамага юраётганида оломон ва мен ҳам оркасидан юрдик. У хонага яқинлашганида эшикка суяниб ҳеч қимни ўтказмасликка ҳаракат қилди. У мени яхши одам экансан, исминг нима ва қайси маҳаллада турасан, деб сўради. Мен оломондан кўрқиб исминни айтмадим. Шу вақтда хонада Холтой деган киши ҳам одамларни тўсиб турарди. Оломон мени ҳам ура бошлади, сиёҳдонни отдилар ва Путинцев хонасига қочдим. Бу ерда мени стол атрофида кишилар қувлаб юришди. Ниҳоят, уларнинг орасидан қочиб, кўчада турган руслар орасида яшириндим. Солдатлар қелиб, оломонни ура бошладилар, мен кўрқиб уйга кетдим».

Рустамбоевнинг гувоҳлик беришича, Мусабойвачча (еки Исабойвачча), Қалмуса, Мухаммаджон, Юнусбойвачча ва Тошболта деган кишилар қатта гайрат кўрсатишиб, Путинцевни тошбўрон қилишда катнашганлар.

Гувоҳ сифатида тергов берган Н. Галкиннинг сўзига қараганда, оломоннинг олдинги сафида от минган қора соқолли 22-23 ешли бир йигит юриб, кузголоннинг бошлиги сифатида гавдаланиб турган. Галкин ҳам оломоннинг руслар томонидан қалтакланганини тасдиқлайди.

Солдатлар томонидан оломон махкама ховлисидан суриб чиқарилганидан кейин «руслар ўзбекларни қалтаклашни давом эттирдилар, губернатор эса, уларга тегмасликни буюрди. Аммо ўзбеклар унинг ўзига ҳам тош отганларидан кейин у русларга: «Ўзбекларни уринглар», деб бақирди. Шундан кейин руслар ўзбекларга ташландилар ва

уравердилар. Шу вақтда айрим ўзбеклар ушланиб, махкамага олиб борилди. Руслар ўзбекларни Ўрда бозоригача қувиб бордилар. Улар бу ердан таркалиб кетдилар». Бинобарин, кўзголончилар вилоят харбий губернаторининг кўрсатмасига биноан оддий рус кишилари томонидан калтакланади. Менинг раҳматли Шорасул (1840—1950) бувамнинг хотирасига кўра, руслар ва солдатлар оломоннинг орқасидан қувиб келаётгани-да, одамлар шошиб қолганларидан ўзларини Ўрда сувига ташлашга мажбур бўлганлар. Оқибатда вилоят харбий губернатори Гродековнинг кўз ўнгида кўп кишилар ҳалок бўлган. Кўзголончиларнинг орасида калтак ва тошлар зарбидан жароҳатланганлар ҳам кўп бўлган. Оломоннинг ҳукм сураётган тартиблар ва зулмга қарши қураши шаҳар махкамасида ўз ифодасини топди. Бу ерда шаҳар бошлиқларига ҳужум қилдилар. Махкаманинг ва хизматчиларнинг хона эшиклари, деразалари ва жиҳозлари бузиб ташланди. Оломон турли ҳужжатлар, китоблар ва бошқа нарсаларни йўқ қилдилар. Вилоят прокурорининг кўрсатишича, кўзголоннинг олдинги сафларида борган кишилар «қашшоқлашган ёш йигитлар»дан иборат бўлган.

Кўзголонга боғлиқ кейинги воқеалар ҳам фожеали.

«Ўрдадан, — дейди ўша Алексеев, — харбий қисмлар губернатор бошчилигида Эски шаҳар томонга йўл олдилар. Шундан кейин Ўрдада яна ўша халқ оломонидан одамлар тўпланди ва бу ерда мен бошқа руслар билан кўча бўйлаб кетаётганимда бизга хонадонлардан тошлар отилди. Биз кўча атрофидаги хонадонларни текширдик. Биз ва полиция тамба билан беркитилган эшикни бузиб очганда унинг томида 4 киши турган экан. Улардан 3 таси томдан сакраб қочдилар, биттаси эса пичок билан полицияга ташланди. Бир солдат унинг кўлига уриб пичокни туширди ва ўзини томдан пастга улоқтириб юборди».

Шу равишда солдатлар кўча ва хонадонларда кўзголон қатнашчиларини ушлаб ва калтаклаб, хибсга олдилар. Бутун шаҳар йигисиги қилиб, мотам тутди. Миршаблар «жиноятчилар»ни излаб, изгиб юрдилар.

Айни бир пайтда губернатор Гродеков, Путинцев ва бошқа шаҳар катталари солдатлар билан Эски Жўва бозорига келдилар. «Бу ерда, — дейди Путинцев, — губернатор солдатларга Жомеъ масжиди билан Хўжа Аҳром мадрасаси ўртасидаги кўчага жойлашишни буюрди. Чунки бу кўчага халқ оломони яқинлашганлиги хақида хабар олинган эди. Хақиқатан ҳам оломон масжидга ўша кўчалардан яқинлашиб келди. Мен бу ерда солдатлар борлигини билдириб, оломондан таркалишларини сўраганимда, уларнинг орасидан қичкина соқоли ва мўйловли бир йигит чиқиб: «Бизни захарлаётганларида, қандай қилиб таркаламиз», — деб гапира бошлади. Мен бу йигитнинг махкамадаги галаённинг фаол ташкилотчилариданлигини танидим ва солдатга уни ушлашни буюрдим. Солдат бу йигитни ушлаб олганда, оломон чекина бошлади. Шу онда ўша йигит: «Мусулмонлар, мени ёлғиз ташлаб қаякка қочаяпсизлар?» — деб бақирди. Шундан кейин оломоннинг кўпчилиги қайтиб, бизга тош отдилар. Сўнгра улар ушланган йигитни озод қилиш мақсадида солдатта ташландилар. Бу вақтда, губернатор ва командир Федоров солдатлар орасида турардилар. Шу онда солдатларга «Тайерланинг» деган буйруқ берилди, йигит эса рўпарадаги кўчага қочишга улгурди. Худди шу пайтда солдатлар оломонга қарши ўқ уздилар ва улар қоча бошладилар. Улардан 5 киши йиқилди, улар жароҳатланди ёки ўлдирилди. Иккинчи маротаба ҳам



ўқлар отилди. Хаммаси бўлиб, 7 ёки 9 киши ерда ётарди».

Ўк узилишидан олдин бир офицер оломонга «Таркалмасанглар отиб ташлаймиз», — деганда кўзголончилардан «Мана, отиб ташла», деб кўкрагини тутганлар бўлган. Кўзголонда аёллардан бири: «Одамларни захарлаб ўлдирмокдалар», — деган. Бу далил кўзголон ўз багрига аёлларни ҳам тортганлигидан далолат беради.

Шу тарзда ҳеч қандай бир арзигулик куроли бўлмаган халк вахишийларча ўкка тутилди. Иккинчи ёппа-сига ўк узишдан кейин яна ўқлар отилди ва сўнгра губернаторнинг буйруги билан тўхтатилди. Оломон қочди. Кейин кўзголончилардан 10 киши ўлдирилганлиги маълум бўлди.

Губернатор Гродеков ва Путинцев бозорга киришиб, кўнчидик растасида тўхтадилар. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди, лекин узокрокда одамлар тўпланиб турарди. Бу ерга келган Путинцев оломонга «Таркалинглар» деб буюрганида, бир одам, мулла бўлса керак, ўртага чикиб: «Шахарда хар куни юзлаб одам ўлмокда, маъмурият эса кимлар вабодан ўлганлигини аниклашга улгурмаётир. Шу боис мурдаларни тўхтатмай кўмишга рухсат беринглар» деган.

Путинцев бунга жавобан хар хафтада бор-йўги бир неча кишигина улаётганини айтган. Ўша сўзлаган одам ва яна бир неча киши ушланади. Пичокчи махалласида яшовчи ва гувоҳ сифатида сўрок қилинган ўнбоши Косимхўжа Алибоев сўзича, шахар махкамасидан кейин оломон Ўрда кўпригидан ўтиб, кўчаларда турган. Унинг кўрсатишича, Ўрдани Эски Жўва бозори билан боғловчи катта кўчада жойлашган Саъидқарим Азимбоевнинг ховлисида касалхона бўлган. Унинг атрофида эрталаб соат 10 да оломон тўпланиб, Мирзабойвачча Мирсалимбоев, Усмон қассоб, Азиз Қассобов ва ямокчи Искандар Чуқурбоев «Биз Мухаммад Ёқубни ўлдирдик, уйини таладик, ўглини қўлга олдик, агар сизлар чиндан ҳам мусулмон бўлсаларингиз дўконларни ёпинглар ва Шайхонтахурга боринглар», деб бакирганлар. Шу вақтда шахар бошлиги Путинцев ва харбий губернатор солдатлар билан бирга келишиб, касалхона атрофида турган оломонга қарата мурожаат қилиб, таркалишни талаб этганлар. Губернатор агар аҳоли шахар бошлигидан ёки оксоқоллардан норози бўлсалар, у вақтда шикоят ёзсинлар, уларнинг ўринларига бошқасини тайинлаймиз, деган. Шундан кейин губернатор ва бошқалар йўлни давом эттирганлар. Аммо «оломон, — дей-ди Косимхўжа Алибоев, — таркалмай, аксинча, губернатор ва солдатларнинг орқасидан бордилар. Мен Жомеъ масжидининг яқинидаги болохонага ўрнашиб олганлигим учун хамма нарса кўриниб, сўзлар эшитилиб турди. Искандарбек ва Азимбойвачча яна пайдо бўлиб, губернаторнинг шахар бошлиги ва оксоқолларни алмаштириш ҳақидаги ваъдасига «қулок солманглар, ишонманглар, ахир, бундай ваъдалар кўп бўлган-ку», — деб бакирганлар. Қалхўжа оломон орасидан отилиб чикиб, шахар бошлигининг отининг жиловидан тортди. Путинцев эса, уни камчи билан урди. Ис-қандарбек ва Азимбойвачча «Шахар бошлигини ушланглар» деб оломонга мурожаат қилганда, кўзголончилардан бир нечаси унинг отига ёпишдилар ва тошлар отилди. Шунда «Ўк узилсин» деган буйрук эшитилганда, Азимбойвачча халкка: «Кўркманглар, милтиқларга қурук порох ва пахта солинган», — деб бакирди. Ўқлар отилганидан кейин оломон таркалди, Азимбойвачча ва Искандарбек отда қочиб кетдилар».

Демак, кўзголончиларнинг бир қисми шахар махкамасидан чикиб, Ўрда билан Эски Жўва уртасидаги кўчада (ҳозирги Навоий) вилоят харбий губернатори ва солдатларга дуч келган. Афтидан, бу учрашув кўзголончилар Мухаммад Ёқубнинг ховлисини талагандан кейин қайтаётганида содир бўлган.

Эски шаҳар бозорида солдатлар томонидан бир неча кишининг ўлдирилиши ва жарохатланиши билан кўзголон ниҳоясига етди. Вилоят губернатори Гродеков солдатларни турли жойларга юбориб, кўзголончилардан 60 кишини хибсга олдиртирди. Уларнинг орасида нуфузли кишилар ҳам бор эди. Рус маъмурияти кўзголонни биринчи навбатда бир гуруҳ юкори табака вакиллари бўйнига қўйишга ҳаракат қилиб, унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминларини пардаламокчи бўлди. Шу нактаи назардан кораланганлар орасида Эски шаҳарнинг собик оксоколи Иногомхўжа Умархожиев ва унинг ўғиллари Саъидахмадхўжа ва Турсунхўжа, Шайхонтахур даҳасининг қозиси Шарифхўжа Поччахўжаев ва унинг ўғиллари Орифхон, Хасанхон, Маъруфхон, Ашрафхон, оксокол Шермухаммад Қулмухамедов, Бокижон Дадажонбоев, Усмонхўжа Иноятхўжаев бор эди.

Ҳарбий губернатор Гродековнинг фикрича, ўша хибсга олинган бир гуруҳ нуфузли кишилар «яқинда ўз лавозимидан четлатилган Иногомхўжа бошчилигида кўзголоннинг айбдорлари ҳисобланган. Иногомхўжа мансабини саклаш мақсадида шаҳсан ўзи ва яқин одамлари орқали халқ орасида вабо қасалига қарши қаратилган чоралар ҳақида турли миш-мишларни тарқатишга даъват этган».

Ҳарбий губернатор Эшон Азизлархўжани ўзининг 30 кишидан иборат отлик муридлари билан шаҳсан кўзголонга бошчилик қилганини уқтириб ўтган. Айни бир пайтда Туркистон генерал-губернатори шаҳар бошлиғи, даҳаларнинг барча оксоколларини ҳамда қозиларнинг ҳаммасини лавозимидан четлатди. Миршаблар руслардан ёки бошқа шаҳарларда яшовчи туб аҳоли вакилларида тайинланадиган бўлди.

Вилоят губернатори Гродеков ўзининг Туркистон генерал-губернаторига йўллаган хатида кўзголон учун бутун шаҳар аҳолисини жазолаш мақсадида Ўрдадан Эски Жўва ва Жомеъ масжидигача уланадиган иккита катта қўчани улар ҳисобига қуришга дарҳол қилишини сўради. Уларнинг фикрича, бундай йўл русларни бўлажак хавфлардан саклар эмиш. Афтидан, Гродеков тор ва қийшиқ қўчаларда ҳарбий ҳаракат қилиш ва воқеани қузатиш оғирлигини даф этмокчи бўлган. Эски шаҳар оксоколи лавозимига одатдагидек ўзбек эмас, рус кишиси тайинланди.

Шу тарзда, кўзголон баҳонасида Эски шаҳарни бошқариш бевосита рус амалдорининг қўлига ўтказилади. Гродеков имкони борича кўзголон сабабларини маҳаллий юкори табака вакилларида қидириш ва бу билан унинг асл моҳиятини никоқлаш учун уларни қўплаб қамаш ва жазолашга қилишди. Шаҳар даҳаларининг оксоколлари, қозилару ва миршабларни ёппасига мансабдан бушатишнинг ташаббусчиси ҳам Гродековнинг ўзи эди. Аммо Сирдаре вилояти прокурори П. Е. Рейенбат Гродековни қонунни бузишда айблаб, бир неча маротаба унинг ўзига ва генерал-губернаторга тушунтириш хатлари ездди. У қузголонга даҳлдор бўлмаган кишиларни хибсга ололмаслигини ёки ушлаб туролмаслигини баён этиб, ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Аммо Гродеков буйруги билан шаҳарнинг бир неча савдогарлари ва нуфузли кишилари, хусусан Бадалмухаммад ҳамда Бокижон деган кишилар қамалдилар. Прокурор тергов натижасида далиллар бўлмаганлиги учун уларни озод қилди. Гродеков эса, бунга қаршилиқ қўрсатиб, «агар исен бўйича бир неча ўн кишини, икки-уч эшон ва Иногомхўжа жазолансалар, бутун жаҳон олдида шармандагарчилик бўлади», деган.

Бу сўзларнинг маъноси шундан иборат эдики, қанчалик қўп юкори табака вакиллари жазоланса, шунчалик кўзголоннинг сабабларини уларга йўйиш ва Россия «қудрати»ни намойиш этишга эришилади. Гродеков бу ишга шунчалик берилиб қетдики, генерал-губернатор Веревкинда ҳам норозилик уйғотди. Чунки кўзголонга алоқаси

бўлмаган кишиларни хибсга олиш ва тергаш кизиби турган вазиятни кескинлашишга олиб келиши аен бўлиб колди. Шу боисдан Веревкин Гродековга йўллаган хатида ўз фикрини куйидагича баен этади: «Рус маъмурияти томонидан йўл кўйилган хатолар ва меъеридан ортик каттиккўллик ўлкада бизнинг мавкеимизни мустахкамламайди, аксинча келажакда русларнинг туб ахоли билан алокаларига зиен келтиради. Мен жазолашга катъий адолат юзасидан карашнинг тарафдориман. Факат полиция ва прокурор аниклаган, 24 июн вокеасига бевосита дахлдор ва айблари исботланган кишиларгина жазо олишлари лозим».

Шундан кейин Гродеков ва Рейенбат ўртасидаги тортишувга чек кўйилиб, айблари исботланмаган айрим юкори табака вакиллари озод этилди. Аммо рус маъмурияти ва прокурор Иногомхужа, Шарифхўжа ва бошка нуфузли кишиларга айбдор сифатида каттик ёпишиб олдилар. Вахоланки, улар кўзголонда бевосита катнашмаган эдилар. Улар вабога карши чоралар хакидаги сўзларни таркатишда ва халкни кўзголонга даъват этишда айбландилар. Иногомхўжа бу ишларга зимдан бош-кош бўлган ва вазиятдан фойдаланиб, Мухаммад Екубнинг ўрнига утиришга харакат килган киши сифатида кораланди. Прокурорнинг айбномасига кура, Иногомхўжа бундай гайриконуний хатти-харакатлари оркасида кўзголон кўтарилишига ва бунинг окибатида шахар махкамаси ва маъмурият вакиллари хужум килинишига сабабчи бўлган. Шу боис, у бутун вокеанинг асосий йўлбошчиси сифатида гавдалантирилди.

У Ахмадхўжа Абдурашидхожиев ва Ёкубхўжа Юсуфхожиев сингари якин кишилари оркали ташвикот ишларини олиб борганликда хам кораланди. Бу икки киши хам кўзголон кўтарилишига хисса кўшганлар каторида хибсга олинган эди.

Кўзголон катнашчиларидан 93 киши айбдор сифатида тергов килиниб, улардан 57 киши камокда ушланди.

1892 йилнинг 15 декабрида, соат 11 да суд хукми эълон килинди. Иногомхўжа 57 ёшда бўлиб, 1868 йилдан буён Сирдаре вилояти харбий-граждан бошкармасида хизмат килган, 1884 йили шахар бошлигининг кичик ёрдамчиси ва 1887 йили Эски шахар катта оксоколлигига тайинланган. У яхши хизматлари учун Ста-нислав тасмали кумуш медал, икки олтин медал ва биринчи даражали «Фахрий тўн» билан мукофотланган. Суд хукми билан Иногомхўжа барча мукофотларидан махрум бўлди, шу билан бирга, Иркутск губерниясига 4 йил шу ердан силжимаслик шарти билан сургун килинди. У яна 12 йил давомида Сибирнинг бошка вилоятлари ва губернияларида туриши керак эди.

Умумлаштирилганда сургун муддати 16 йилга борган.

Шайхонтахур дахасининг 75 ешли козиси Шарифхўжа Поччахожиев хам кумуш ва олтин медаллардан махрум этилиб, 3 йил муддат билан Астрахан губерниясига сургун килинди. Суд Ахмадхужа Абдурашидхожиев, Зиямухаммад Исамухаммедов, Азимбойвачча Мирсалимбоев, Искандар Чукурбеков, кассоб Азиз Кассобов, Мухаммаджон Гайниддинов, Мусакори Кассобов, Тошмухаммад Тўйчиевни осиб ўлдиришга хукм килди. Булардан ташкари, 25 киши турли муддатлар билан камокка хукм этилди.

Суд хукми шахар ва ўлкада вазиятни янада кескинлаштириб, норозиликни кучайтириб, хавф тугдириши мумкин эди. Шу боис генерал-губернатор ўлим жазосини бир кишига умрбод сургун ва бошкаларни 15-20 йил муддат билан каторгага алмаштирди.

Иногомхўжанинг соглиги ёмонлиги туфайли сургун камок билан алмаштирилди.

Суд хукми билан Мухаммад Ёкубнинг таланган 1400 сўмлик мол-мулки хамда суд харажатлари — 216 сўм Иногомхўжа, Шарифхўжа ва бошка бир гурух каттик

жазоланган кишилардан ундириладиган бўлди.

1893 йил 16 мартда шахсан императорнинг розилиги асосида кўзголовнинг олдини ололмаганликлари учун Гродеков ва Путинцев лавозимларидан олинди. Путинцев ўрнига Тошкент уезди бошлиги полковник Тверитинов тайинланди.

Чор маъмурияти гарчанд вабога карши чоралар кўрган бўлса-да, лекин амалда уни даф этишга етарли эътибор бермади, оқибатда Тошкент шаҳрида юзлаб кишилар унинг қурбони бўлдилар. Чунончи, 1893 йил 7 июн — 9 август орасида ўзбеклардан 1438 киши касалланиб, 1389 киши ўлган, руслардан эса 407 киши оғриб, 213 киши вафот этган. Жами 1835 касалдан 1602 одам ўлган эди.

1891 йили шаҳарда 58 эски мазордан 33 таси ёпилиб, 25 таси қолдирилган.

Вабо касали Фаргона водийсида ҳам пайдо бўлиб, ундан 10.277 киши вафот этган. Ўлка бўйича ҳисобланганда, ўлганлар сони 11.879 кишига боради. Бу ўз даври учун катта фожеа эди. Агар чор ҳукумати етарли маблағ ажратиб, тегишли чораларни изчиллик билан кўрганда бунчалик катта йукотиш бўлмас эди.

Кўзголовнинг акс-садоси бутун ўлкага, хусусан, Фаргона водийсига ҳам тарқалиб, вазиёт кескинлашди. Шу боис факат Тошкентда эмас, балки Фаргона вилоятида ҳам ҳарбий ҳолат жорий этилиб, назорат ва таъкиб авжига миндиб.

Гарчанд кўзголов бостирилган бўлсада, лекин у мазлум халқнинг рус ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмига қарши қаратилган қураши сифатида ўчмас из қолдирди. Шунинг учун ҳам рус маъмурияти мамлакатда ҳамда чет давлатларда унинг моҳияти ва йўналишини бошқачароқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилди. Масалан, ҳукуматнинг расмий газетаси бўлмиш «Туркистон ведомости»да шундай ёзилганди: «Ватандошларимиз ва хорижий мамлакатдаги дўстларимизга шуни маълум қилишимиз мумкинки, кўзголов кўтарганликлари учун жазоланганлар том маънодаги сиёсий ва давлат жиноятчилари эмас, балки маъмуриятнинг айрим ҳолларда қўллаган тартибларига қарши бош кўтарган кишилардир. Бу оломон томонидан тасодифан содир этилган жиноят сиёсий тусга эга бўлмай, туб аҳолининг партиявий қурашининг маҳсулидир. Унинг юзага келиши қисмангина вабога қарши қаратилган чораларга боғлиқдир.

Шуни такрор айтишимизки, кўзголовда Ўрта Осиёдан ташқарида ўйланганидек, ҳеч қандай сиёсий йўналиш йўқ».

Хўш, шундай экан, нима учун рус ҳукумати кўзголовчиларга қарши ўқ узди ёки бўлмаса кўп кишиларни ўлимга ва узок муддатли қамок жазоларига ҳукм қилди?

Жавоб шуки, бунга кўзголовнинг айнан мустақилликни тиклашга қаратилган сиёсий йўналишга эгаллиги сабаб бўлган. Шу боис у ўлкадаги кейинги миллий-озодлик ҳаракатларининг юзага келишига ҳам таъсир кўрсатган.

Ҳамид Зиёев